
ҚЎҚОНДА ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Қўқон шаҳрида ўз ишини бошлаган Иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида янги ташкил этилган Халқаро Ҳунармандчилик музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддумий ва Президент Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одил Абдурахмонов жаҳон ҳунармандчилигида мамлакатимизнинг тутган ўзига хос ўрни ва сўнгги йилларда юртимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларга тўхталиб ўтдилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ўз сўзида Давлатимиз раҳбари томонидан тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, бунинг натижасида миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини сақлашга кенг имкониятлар яратилаётганини қайд этди.

Ўзбек миллий ҳунармандчилиги маркази бўлган Фарғона вилояти Марғилоннинг атлас ва адраслари, Риштоннинг кулолчилик санъати, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактаблари билан дунёга машҳур эканига эътибор қаратган вилоят ҳокими, 2019 йилда Қўқон шаҳрига ва 2022 йилда Марғилон шаҳрига “Жаҳон ҳунармандлари шаҳри” мақомлари берилганлиги Фарғона вилоятининг дунё ҳунармандчилик харитасида муносиб ва мустаҳкам ўринга эга эканлигининг исботи эканини таъкидлади.

Хайрулло Бозоров Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддумийга юзланиб Марказий Осиё минтақасининг анъанавий кулолчилик маркази бўлган Риштонга ҳам кулолчилик йўналишида “Жаҳон ҳунармандлари шаҳри” мақомини бериш таклифини ўртага ташлади ва бу ижобий қабул қилинди.

Халқаро Ҳунармандчилик музейи жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда муҳим ўрин тутишига ишонч билдирган вилоят ҳокими, бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъати давлат ва жамият томонидан шундай юқори эътибор, Давлат раҳбарининг алоҳида ғамхўрлиги бўлгандагина бугунги кунгача сақланиб қолган ўзига хос ҳунармандчилик мактабларининг анъаналарини давом эттириш мумкинлигини билдирди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-21 15:39:50